ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

# “ФАРМАЦИЯДА ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

# “АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ”

Тошкент-2009

Таҳрир ҳайъати:

Раис: Юнусхўжаев АН.

Аъзолар: Шабилолов А.А.
Аминов С.Н.
Расулова С.А.
Файзуллаева Н.С.

Тошкент фармацевтика институти Илмий кенгашининг
13.10.2009 йилдаги 3-сон қарори билан чоп этишга тавсия этилган

Глас капсуласининг турғунлигини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар

А.М.Холбердиев, Х.М.Юнусова, З.Х.Зуфарова
Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: маълумки, тайёр дори турларига қўйиладиган асосий талаблардан бири уларни сақлаш жараёнида турғунлигини таъминлашдан иборат. Дори препаратларини турғунлигига бир қатор омиллар таъсир этиб, шулардан ҳарорат таъсири ва қадоқланган идишнинг таъсири алоҳида аҳамият касб этади. Тадқиқотлар бугунги кун фармация амалиётида қўлланилиб келаётган бир қанча қадоқлардан фойдаланилиб амалга оширилди. Сақлаш жараёнида ва турли шароитда сақланиши дори препаратларига турли ҳолатларнинг таъсирида улар таркибига кирувчи моддалар хоссасига ва технологик жараёнга боғлиқ бўлиб, ушбу ишнинг мақсади маҳаллий хом ашёлардан сифатли, турғун замонавий дори тури технологиясини ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Шунингдек танланган таркибнинг муайянлигини исботлаш ишнинг асоий мақсадларидан бири бўлди.
Усуллар: ГЛАС капсуласини сақлаш давомида турғунлигини ўрганиш мақ-садида улар турли идишларга қадоқланди (қўнғир шиша идиш,контур-ячейкали поливинилхлоридли, контур-ячейкасиз икки томони алюмин фольгали ) ва тайёрланган капсулаларнинг қуйидаги сифат кўрсаткичлари тадқиқотлар бошлангунча ва тадқиқот даврида ўрганилди : ташқи кўриниши, ўртача оғирлик, дори моддаларнинг бир хиллиги , парчаланиши ва эриши. Капсулаларнинг турғунлиги табиий усулда, ҳамда “тезлаштирилган” усулда И-42-82 сон йўриқнома асосида ўрганилди. Бу кўрсаткичлар Х1 ДФ ва НТҲ (норматив техник ҳужжатлар) ларда келтирилган усулларда ўрганилди. Капсуланинг турғунлигини аниқлашда табиий шароитда ҳар 6 ойда ва “тезлаштирилган” усулда ҳар 11,5 кунда юқоридаги кўрсаткичлар - ташқи кўриниши, ўртача оғирлик , дори моддаларнинг бир хиллиги , парчаланиши ва эриши кабилар ўрганилди.
Натижалар: ўтказилган кўп қиррали тадқиқотлар натижасида капсула дори турига қўйиладиган талаблардан : капсулаларнинг ташқи кўриниши талаб даражасида эканлиги кузатилди. Ўртача оғирлик аниқланганда ҳар бир капсуланинг оғирлиги ± 7,5% , парчаланиши 16 дақиқани, эрувчанлиги 45 дақиқада 82% эканлиги ва таъсир этувчи моддалар миқдори 98-99% орасида бўлганлиги кузатилди.
Хулосалар: олиб борилган тадқиқот натижалари танланган таркибда ва технологияда тайёрланган капсулалар барча капсула дори тури учун талаб этиладиган ўрганилган кўрсаткичлар бўйича табиий шароитда 2 йил давомида ва “тезлаштирилган” усулда 3 йил давомида тадқиқот учун олинган қадоқларда талаб даражасида эканлигини исботлади. Тажрибалар табиий шароитда давом этмоқда.